

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ДЖУМАНИЯЗОВА НАСИБА САТИМБАЕВНА

**ТАЖРИБАДА ИККИЛАМЧИ ИММУН ТАНҚИСЛИГИДА ЯНГИ
ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ЎСИМЛИКЛАР ЙИҒМАЛАРИНИ
ИММУНОМОДУЛЯЦИЯ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Джуманиязова Насиба Сатимбаевна

Таҷрибада иккиламчи иммун танқислигида
янги яллиғланишга қарши ўсимликлар йиғмаларини
иммуномодуляция хусусиятларини ўрганиш..... 3

Джуманиязова Насиба Сатимбаевна

Изучение иммуномодулирующих свойств новых
противовоспалительных растительных сборов при
вторичных иммунодефицитах в эксперименте 21

Djumaniyazova Nasiba Satimbaevna

The study of the immunomodulatory properties
of new anti-inflammatory plant fees for
secondary immunodeficiency in the experiment..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ДЖУМАНИЯЗОВА НАСИБА САТИМБАЕВНА

**ТАЖРИБАДА ИККИЛАМЧИ ИММУН ТАНҚИСЛИГИДА ЯНГИ
ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ЎСИМЛИКЛАР ЙИҒМАЛАРИНИ
ИММУНОМОДУЛЯЦИЯ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib710 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.immunology.uz) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Разикова Илмира Садуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Суяров Акрам Амиркулович
тиббиёт фанлари доктори

Ахмедова Халида Юлдашевна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Тошкент педиатрия тиббиёт институти


Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «24» 08 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2020 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).




Т.У.Арипова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик


З.С.Камалов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.П.Набиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнги йилларда ўсимликлар хом-ашёсидан олинган дори воситалари иккиламчи иммунтанқисликларини даволашда кенг қўлланилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...ривожланган мамлакатлар аҳолисини даволашда ўсимликлар хом-ашёсидан тайёрлаган янги дори воситаларини қўллаши 50% ни, қолган давлатларда эса бу кўсаткич 35-40% ташкил этмоқда. Препаратлар орасида иммуномодуловчи таъсирга эга бўлганларига алоҳида эътибор берилмоқда»¹. Ушбу йўналишда дунёнинг кўплаб мамлакатлари соғлиқни сақлаш ташкилотлари янги ўсимликлар хом-ашёсидан ажратиб олинган биологик фаол, яллиғланишга қарши дори воситалари ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратмоқда. Бу борада, айниқса, иммун тизим фаолиятига таъсир қилувчи, яллиғланишга қарши ва иммуномодуловчи дори воситаларини ишлаб чиқаришни тақазо этмоқда.

Жаҳон миқёсида ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддалар асосидаги препаратлар кўпаймоқда. Янги иммуномодуловчи дори воситаларининг иммунопатологик жараёнларига таъсирини аниқлашга эътибор ортмоқда. Бу борада биологик фаол моддаларнинг тажрибавий ҳайвонлар аъзолари, хужайра ва хужайра ичи даражасида таъсир механизмини аниқлаш; турли ўсимликлардан (*Chamaecrista angustifolium* L., *Tribulus terrestris* L., *Achillea filipendulina*, *Calendula officinalis* L.) ажратилган фаол моддаларини қўшиш асосида олинган иммуномодуловчи, яллиғланишга қарши дори воситаларини организмга таъсир механизмини аниқлаш; маҳаллий шароитда ўсадиган ўсимликлардан тайёрланган дори воситаларини амалиётга тадбиқ қилиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан маҳаллий хом-ашё асосида олинган янги ўсимлик ва синтетик воситаларнинг иммуотроп фаоллигини аниқлаш ва амалиётга тадбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш»² вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, иммуномодуловчи хусусиятли ўсимликлардан иммуномодуловчи хусусиятли фаол моддаларни ажратиб олиш ва уларни иккиламчи иммунтанқислик ҳолатларида қўллашни ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

¹World Health Organization, 2010

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони..

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707 «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2647-сон «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хозирги вақтда ўсимликлар хар хил фармакологик фаолликка эга бўлган биологик фаол препаратлар олинаниган хом-ашё сифатида тадқиқотлар жаҳоннинг бир қатор илмий марказларида олиб борилади, жумладан Department of Obstetrics and Gynecology, Taipei Medical University Hospital, (Taiwan), Department of Microbiology and Immunology, National Defense Medical Center (Taiwan), Shaman Pharmaceuticals Inc. (U.S.A), Showa Pharmaceutical University, Higashi-tamagawagakuen (Japan), Laboratório de Tecnologia Farmaceutica, Universidade Federal da Paraíba (Brazil), MTTA grifood Research Finland, Plant Production Research (Finland), Medical University of Warsaw, Department of Physical Chemistry (Poland), Харьков фармацевтика университети (Украина).

Турли фармакологик таъсирга эга, шу жумладан организмнинг иммунологик кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган доривор ўсимликларнинг токсик бўлмаган, юқори самарали тўпламларини яратиш фармакология ва иммунологиянинг долзарб муаммоларидан хисобланади (Горбачева А.В., Аксиненко С.Г., Зеленская К.Л. ва бошқалар, 2003; Каухова И.Е.2006; Strasser E.M., Wessner B., Manhart N.2005; Takano-Ishikawa Y., Goto M., Yamaki K.2006). Сўнгги йилларда ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар Тошкент Фармацевтика институтида амалга оширилди, бунда доривор ўсимликларнинг янги тўпламлари «филипил» таркибида Ер бағирлаган темиртикан ўти (якорцы стелющиеся)-*Tribulus terrestris L.*, Тор баргли кипрей ўти (кипрей узколистного) - *Chamacnerium angustifolium L.*, Тубулғибаргли бўймодарон гули (тысячелистник тавалголистного)- *Achillea filipendulina*, *Тирнокгул гули* (ноготков лекарственных)- *Calendula officinalis L.* ва «трибулипил» таркибида Ер бағирлаган темиртикан ўти (якорцы стелющиеся)- *Tribulus terrestris L.* ва Тор баргли кипрей ўти (кипрей узколистного)- *Chamacnerium angustifolium L* экстрактлари олинди. Ушбу

экстрактлар ва дамламалар яллиғланишга қарши, ярага қарши, гипогликемик, жарохатни тикловчи, антисклеротик таъсирларга эга. (Зияев Ш. и др., 2010; Мирзакасимов Ж.К. и др., 2010; Адилов М.А. и др., 2011; Алиев Х.У. и др., 2010; Набиев А.Н. и др., 2011; Болтаева К.Ш. и др., 2011).

Аммо хозирги вақтгача янги ўсимлик коллекцияларининг нормал шароитда иммун тизимнинг ҳолатига ва тажрибада турли хил этиологияларнинг иккиламчи иммунитет танқислигида иммуномодуляторлик хусусиятларини аниқлаш бўйича етарлича тадқиқотлар ўтказилмаган. Янги ўсимлик йиғмаларининг иммунитетнинг марказий (тимус, суяк илиги) ва периферик (талоқ ва лимфа тугунлар) органларига таъсири ҳақида маълумотлар жуда кам. Кўп қиррали, яъни бир вақтнинг ўзида турли биологик фаол препаратларни яратиш уларни амалиётда турли генезли иккиламчи иммунтанқислик касалликларни даволашда қўллашга кенг шароитлар очилиши мумкин. Шундай қилиб, маҳаллий хом-ашё асосида олинадиган янги яллиғланишга қарши ва иммуномодуловчи хусусиятларга эга бўлган дори воситаларини яратиш муаммоси долзарб ва амалий жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали ҳамда Иммунология ва инсон геномикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФТҚФ №50-10 «Тажрибада иммунопатологик ҳолатларда янги яллиғланишга қарши ўсимликлар йиғиндисининг иммунотроп таъсири механизми» (2010-2011 йй.) мавзуси доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади тажрибада иккиламчи иммун танқислигида янги яллиғланишга қарши ўсимликлар йиғмаларини иммуномодуляция хусусиятларини аниқлашдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

физиологик меъёр шароитида яллиғланишга қарши ўсимлик йиғмаларининг иммун реактивликка таъсирини аниқлаш;

нурланиш касаллигида яллиғланишга қарши ўсимлик йиғмаларининг иммун ҳолатига таъсирини аниқлаш;

ўткир токсик гепатитда ўсимлик йиғмаларининг иммуногенезга таъсирини аниқлаш;

гемолитик камқонликда ўсимлик йиғмаларининг иммуномодуляторлик хусусиятларини аниқлаш;

ўсимлик йиғмаларининг имураниндуцирланган иммунтанқисликда ва имобилланган стрессда иммун тизимга таъсирини баҳолаш;

меъёр ва иккиламчи иммунтанқисликда ўсимлик йиғмаларининг антителогенезга *in vitro* таъсирини аниқлаш;

меъёр ва иккиламчи иммунтанқисликда иммун ва қон айланиш тизимлар корреляцион боғлиқлигига ўсимлик йиғмаларининг таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 210 та оқ зотсиз сичқонлар ва 20 та денгиз чўчқалари олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ҳайвонларнинг периферик қони, зардоби, тимуси, суяк кўмиги, талоғи ва лимфа тугунлари иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда иммунологик, гематологик ва статистик усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор меъёрда ва иккиламчи иммунтанқисликнинг бешта моделида (нурланиш касаллиги, гемолитик анемия, ўткир токсик гепатит, имураниндуцирланган иммунтанқислик, иммобилланган стресс) янги яллиғланишга қарши ўсимлик йиғмалари ва экстрактлари («филипил» ва «трибулипил») *in vivo* ва *in vitro* тизимида иммун тизимидаги ўзгаришларни коррегирлаш хусусияти аниқланган;

илк бор «филипил» ва «трибулипил» ўсимлик дамлама ва экстрактлари, ҳамда узунбаргли кипрей дамламаси сичқоннинг периферик қонида қўй эритроцитларига антитаналар титрини ошириш хусусиятига эга эканлиги исботланган;

хар хил этиологияли иккиламчи иммунтанқислик ҳолатида янги яллиғланишга қарши ўсимлик йиғмалари ва экстрактлари марказий (тимус, суяк кўмиги) ва периферик (талоқ, лимфа тугунлар) иммунитет аъзолари ҳужайралари ҳамда қон ҳужайраларининг (эритроцитлар, лейкоцитлар) умумий миқдорини мутаносиб равишда тиклаши аниқланган;

доривор ўсимликлар йиғмаси экстрактлари ва дамламалари интакт ва иммунтанқислиги мавжуд тажрибадаги ҳайвонларнинг иммунологик ва гематологик кўрсаткичларининг ўзаро корреляцион боғлиқлигини ошириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«филипил» ва «трибулипил» ўсимлик дамлама ва экстрактлари, ҳамда торбаргли кипрей дамламаси иммун тизими бўғинларидаги бузилишларда йўналтирилган иммунмодуляцияловчи восита эканлиги асосланган;

яллиғланишга қарши ўсимликлар дамламалари ва экстрактлари амалий тиббиётда иммун тизими ўзгаришлари билан кечадиган патологияларда қўлланилишига асос яратилган;

яллиғланишга қарши ўсимлик йиғмалари ва экстрактлари *in vitro* ва *in vivo* тестида иккиламчи иммунтанқислик ҳолатларида иммунокомпетент ҳужайралар сонини ошириши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган ҳулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тажрибада иккиламчи иммун танқислигида янги яллиғланишга қарши ўсимликлар йиғмаларини иммуномодуляция хусусиятларини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. «Филипил» ва «трибулипил» ўсимлик дамлама ва экстрактлари, ҳамда торбаргли кипрей дамламаси иммунмодулловчи таъсири антитана ҳосил бўлиш жараёнини тезлаштириши; иккиламчи иммунтанқисликда жониворлар талоғида антитана ҳосил қилувчи хужайралар сонини *in vivo* и *in vitro* тизимида ошириши; иммунитетнинг марказий ва периферик аъзоларида хужайралар миқдорининг орттириши; эритроцитлар ва лейкоцитлар сонини кўпайтириши; иммунологик ва гематологик кўрсаткичларини мутаносиб равишда меъёрлаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, янги яллиғланишга қарши ўсимликлар йиғмаларининг иммуномодуляция хусусиятларини аниқлаш амалий тиббиётда иммун тизими ўзгаришлари билан кечадиган патологияларда қўллашга асос яратган. «Филипил» ва «трибулипил» ўсимлик дамлама ва экстрактлари, ҳамда торбаргли кипрей дамламасининг *in vitro* ва *in vivo* тестида иккиламчи иммунтанқислик ҳолатларида иммунокомпетент хужайраларига таъсирини баҳолаш усули орқали иммунмодулловчи препаратларни синаш муаммоларини ҳал этиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тажрибада иккиламчи иммунтанқислигида янги яллиғланишга қарши ўсимликлар йиғмаларини иммуномодуляция хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Филипил и трибулипил иммуномодуллаш хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 июндаги 8н-д/144-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома янги яллиғланишга қарши ўсимликлар йиғмалари иккиламчи иммунтанқислик жараёнларида иммун тизим ҳолатини иммуномодуляция қилиш учун хизмат қилган;

маҳаллий хомашёдан олинган янги яллиғланишга қарши ўсимликлар йиғмаларининг иммуномодуляция хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот лабораторияси ва Тошкент фармацевтика институтининг дори воситалари синтези ва фармакотоксикологик тадқиқотлар лабораторияси фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 8н-з/76-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар маҳаллий хом-ашёдан олинган, иммунмодулловчи фаолликка эга бўлган ўсимлик дори воситаларини ишлаб чиқаришга асос бўлади. Иккиламчи иммунтанқислик жараёнларида нурланиш касаллиги, гемолитик анемия, ўткир токсик гепатит, имураниндуцирланган иммунтанқислик ва иммобилланган стрессда иммунологик ва гематологик кўрсаткичлар ҳолатини меъёрлашга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўсимлик йиғмалари ва экстрактлари турли дорилар манбаидир**» деб номланган биринчи бобида ўсимлик препаратлари ва экстрактлари ва уларнинг биологик фаоллиги бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар батафсил ўрганилди, доривор ўсимликларнинг биологик хусусиятларига доир масалан *Tribulus terrestris L.* (якорцы стелющиеся), *Chamaenerium angustifolium L.* (кипрей узколистного), *Achillea filipendulina* (тысячелистник тавалголистного) ва *Calendula officinalis L.* календула каби ўсимликларга оид маълумотлар тақдим этилди.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектлари тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида турли хил биологик ва иммунологик фаолликни аниқлайдиган усуллар ва материаллар характеристикаси, тажриба қисми келтирилган. Тажрибада бир моделга 35 тадан 6 моделга жами 210 та зотсиз оқ сичқонлардан фойдаланилган.

Ш.Зияев ва бошқ. (2010) олиб борган микроскопик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, "филлипил" қуруқ экстракти заррача ҳажми 2,8 дан 4,7 микронгача бўлган майда дисперс кукундир. Экстракция зарралари орасидаги тортиш кучининг кўпайиши, заррачалар катталигига қараб, кам оқим ва паст ҳажмли сифимнинг сабаби ҳисобланади. "Филлипил" аморф, майда дисперс кукун бўлиб, эркин ҳолатда конгломератлар ҳосил бўлишига мойил бўлиб, сикилган массанинг зарур технологик хусусиятларига эришишни қийинлаштиради. Бунга эришиш учун қўшимча моддаларнинг тегишли таркибий қисмларидан фойдаланиш, шунингдек қуруқ экстрактни олиш учун махсус технологик усулларни бажариш зарур. [30; в. 28-40].

М.А.Адилов ва бошқ. (2011) "трибулипил" препаратининг яллиғланишга қарши фаоллигини ўрганишди. "Трибулипил" индометацин препаратидан кам эмаслиги ва глицирам дори воситасидан сезиларли даражада устун эканлиги аниқланди. Шундай қилиб, тажрибаларда "трибулипил", мос равишда 25, 50 ва 100 мг / кг дозада формалин таъсирида яллиғланиш жараёнини 37,3%, 49,5% ва 52,9% га ривожланишига тўсқинлик қилади. Худди шу шароитда индометацин яллиғланиш жараёнини 45,0% га, глицирам эса 34,7% га сусайтиради. Худди шундай натижалар гистамин яллиғланиш моделида олинган. 25 ва 50 мг / кг дозаларда "Трибулипил" мос равишда яллиғланиш жараёнининг ривожланишини 33,8% ва 45,2% га сусайтиради.

Адабиётлар маълумотлари таҳлили «филипил» ва «трибулипил» доривор ўсимликлари тўпламларининг иммуномодуляция хусусиятларини ўрганиш бўйича ишларнинг етишмаслигини кўрсатмоқда. Доривор ўсимликларнинг янги тўпламларини нормал ва иккиламчи иммунтанқислиги ҳолатларида иммунологик ва гематологик кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион алоқаларга таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Диссертациянинг «**Физиологик меъёрда сичқонлардаги иммуногенез ва ўзаро корреляцион муносабатларга ўсимлик йиғмалари ва экстрактларининг таъсири**» деб номланган учинчи бобида кипрей ва «филипил» дамламалари, «филипил» ва «трибулипил» экстрактларининг меъёрда интакт хайвонларга иммуномодулятор таъсирини ўрганишга бағишланган. Тажрибаларда қуйидаги дамба ва экстрактлардан фойдаланилди: «филипил» дамламаси 15 мл/кг (1:10) миқдорда, таркиби (*Chamacnerium angustifolium L.*), (*Tribulus terrestris L.*), (*Achillea filipendulina*), (*Calendula officinalis L.*) 25:25:25:10 гр. нисбатда; «трибулипил» дамламаси 15 мл/кг (1:10) миқдорда, таркибига *Tribulus terrestris L.* ва *Chamacnerium angustifolium L.*(1:1нисбатда); *Chamacnerium angustifolium L.* (дамламаси (1:10) 15 мл/кг миқдорда қиёсий препарат сифатида; «филипил» экстракти 50 мг/кг миқдорда ва «трибулипил» экстракти 50 мг/кг миқдорда. Ушбу дамба ва экстрактлар Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика Институтининг фармакология ва клиник фармация кафедраси профессори Алиев Х.У. томонидан тақдим этилган. Тадқиқотлар натижасида доривор ўсимликлар йиғмасининг дамламалари ва экстрактлари турли даражада ҚЭга нисбатан сезиларли даражада иммун жавобни ошириши аниқланди: кипрей дамламаси - 2,74 марта, «филипил» дамламаси - 2,31 марта, «филипил» экстракти - 2,90 марта, «трибулипил» экстракти - 3,43 марта. «Филипил» экстрактининг стимулятор фаоллиги «филипил» дамламасиникидан анча юқори эканлигига эътибор қаратиш лозим. Шубҳасиз 4-та ўсимлик йиғиндисини экстракциялаш жараёнида уларнинг биологик фаоллиги ўзаро мустахкамланади. Ўрганилаётган барча ўсимлик воситаларидан фақатгина «трибулипил» экстракти сичқон талоғидаги умумий хужайралар сонини сезиларли даражада 1,14 марта оширди. Ўсимлик дамламалари ва экстрактлари («филипил» дамламасидан ташқари) иммунизацияланган сичқонларнинг периферик қонида ҚЭ га нисбатан антитана титрини ошириш хусусиятига эга.

**Ўсимлик воситаларини сичқонлардаги қўй эритроцитларига
нисбатан иммун жавобга таъсири. (M±m, n=7)**

Гуруҳ	Миқдори	ТЯСХС миқдори × 10 ⁶	ҚИ	ТАХҚХ миқдори	
					ҚИ
1.назорат	-	162,2± 8,6	-	2178,6±204,1	-
2.кипрей дамламаси	15 мл/кг	170,0± 4,5	+1,05	5978,6±225,7 ^а	+2,74
3.«филипил» Дамламаси	15 мл/кг	169,2± 6,9	+1,04	5264,3±338,0 ^а	+2,31
4.«филипил» экстракти	50 мг/кг	177,8± 4,8	+1,10	6307,1±320,4 ^{аб}	+2,90
5. «трибулипил» Экстракти	50 мг/кг	185,1± 5,6 ^а	+1,14	7478,6±271,9 ^{абвг}	+3,43

Изоҳ: ТАХҚХ – талоқда антитана ҳосил қилувчи хужайралар, ТЯСХС – талоқда ядро сақловчи хужайралар сони, назорат гуруҳига нисбатан -ҚИ, а - 1 гр.нисбатан ишончли (P<0,05), б - 2 гр.нисбатан ишончли (P<0,001), в - 3 гр. нисбатан ишончли (P<0,05), г - 4 гр.нисбатан ишончли (P<0,05); n – сичқонлар сони.

Сичқонларнинг тимусида кипрей дамламаси хужайралар сонини 1,28 марта оширади. «Филипил» дамламаси сичқонларда тимоцитлар даражасини ишончсиз 1,23 марта оширади. «Филипил» экстракти тимоцитлар сонини 1,35 марта, «трибулипил» экстракти - 1,43 марта оширади. Сичқонларнинг талоғида АХҚХ га нисбатан «филипил» экстрактининг фаоллиги, «филипил» дамламасиникига қараганда сезиларли даражада юқори. Тимусдаги умумий хужайралар сонини ҳисоблашда ҳам ушбу мунтазамлик кузатилади. «Филипил» дамламаси тимоцитлар сонини сезиларли даражада ўзгартирмайди, аксинча худди шу ўсимликларнинг тўпламидан олинган экстрактлар тимусдаги хужайраларнинг умумий сонини сезиларли даражада оширади. Ўрганилаётган моддалар суяк қўмигидаги хужайралар сонини ишонарли даражада оширади: кипрей дамламаси - 1,52 марта, «филипил» дамламаси - 1,14 марта, «филипил» экстракти - 1,58 марта, «трибулипил» экстракти - 1,63 марта. Кипрей дамламасининг стимулятор фаоллиги «филипил» дамламасиникидан сезиларли даражада юқори. Шу асосда, ўрганилаётган ўсимликларнинг тўпламлари ва экстрактлари иммунитетнинг марказий (тимус, суяк қўмиги) органларида хужайра пролиферациясини стимуллаш қобилияти ҳақида хулоса қилиш мумкин. Ўрганилаётган ўсимлик йиғмалари ва дамламалари периферик иммун аъзоларидаги хужайралар сонини оширади: кипрей дамламаси - 1,40 марта, «филипил» дамламаси - 1,31 марта, «филипил» экстракти - 1,48 марта ва «трибулипил» экстракти - 1,59 марта. Иммун тизимнинг марказий ва периферик аъзоларидаги хужайраларнинг умумий сонига нисбатан камайиб борувчи фаоллиги бўйича ўрганилган ўсимлик дамлама ва экстрактлари қуйидаги кетма-кетликда жойлашади: экстракт «трибулипил»>экстракт «филипил»> кипрей дамламаси > «филипил» дамламаси.

2-жадвал.

Ўсимлик воситаларини сичқонлардаги марказий ва периферик иммун аъзолари хужайралари сонига таъсири ($M \pm m, n=7$)

Гуруҳ	Микдори	Тимус хужайралари $\times 10^6$	ҚИ	Суяк кўмиги хужайралари $\times 10^6$	ҚИ	Лимфа тугуни хужайралари $\times 10^6$	ҚИ
1.назорат	-	41,0 \pm 2,9	-	9,8 \pm 0,4	-	25,4 \pm 1,6	-
2.кипрей дамламаси	15 мл/кг	52,4 \pm 2,8 ^a	+1,28	14,9 \pm 0,7 ^a	+1,52	35,5 \pm 1,1 ^a	+1,40
3.«филипил» дамламаси	15 мл/кг	50,5 \pm 3,3	+1,23	11,2 \pm 0,5 ^{аб}	+1,14	33,3 \pm 1,3 ^a	+1,31
4.«филипил» экстракти	50 мг/кг	55,3 \pm 3,0 ^a	+1,35	15,5 \pm 0,7 ^{ав}	+1,58	37,5 \pm 1,5 ^a	+1,48
5. «трибулипил» экстракти	50 мг/кг	59,0 \pm 3,0 ^a	+1,43	16,0 \pm 0,8 ^{ав}	+1,63	40,3 \pm 1,1 ^{абв}	+1,59

Изоҳ: назорат гуруҳига нисбатан-ҚИ, а - 1 гр.нисбатан ишончли ($P \leq 0,05$), б - а - 2 гр.нисбатан ишончли ($P \leq 0,01$), в - а - 3 гр.нисбатан ишончли ($P \leq 0,002$).

Ўрганилган намуналар қондаги қизил қон таначалари микдорини сезиларли даражада оширди: кипрей дамламаси - 1,15 марта, «филипил» дамламаси - 1,11 марта, «филипил» экстракти - 1,18 марта ва «трибулипил» экстракти - 1,22 марта. Ўсимлик моддаларининг оқ қон таначаларига таъсирини ўрганиш натижаси қуйидаги натижаларни берди. Дамлама ва экстрактлар периферик қондаги оқ қон таначалари микдорини сезиларли даражада оширди: кипрей дамламаси - 1,15 марта, «филипил» дамламаси - 1,10 марта, «филипил» экстракти - 1,18 марта ва «трибулипил» экстракти - 1,21 марта. Ўсимлик моддаларининг стимулловчи фаоллигида сезиларли фарқ йўқ.

3-жадвал.

Ўсимлик воситаларини сичқонларнинг периферик қонидаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сонига таъсири ($M \pm m, n=7, P > 0,05$)

Гуруҳ	Микдори	Эритроцитлар $\times 10^9$ /мл	ҚИ	Лейкоцитлар $\times 10^6$ /мл	ҚИ
1.назорат	-	5,5 \pm 0,2	-	6,1 \pm 0,2	-
2.кипрей дамламаси	15 мл/кг	6,3 \pm 0,1 ^a	+1,15	7,0 \pm 0,2 ^a	+1,15
3.«филипил» Дамламаси	15 мл/кг	6,1 \pm 0,2 ^a	+1,11	6,7 \pm 0,1 ^a	+1,10
4.«филипил» экстракти	50 мг/кг	6,5 \pm 0,2 ^a	+1,18	7,2 \pm 0,1 ^a	+1,18
5. «трибулипил» Экстракти	50 мг/кг	6,7 \pm 0,2 ^a	+1,22	7,4 \pm 0,1 ^a	+1,21

Изоҳ: назорат гуруҳига нисбатан-ҚИ, а - 1 гр.нисбатан ишончли $P \leq 0,02$.

Кейинчалик ўсимлик моддалари қабул қилган сичқонларда корреляцион боғланишларни ўрганиш борасида тажрибалар ўтказилди. 9 та кўрсаткич ўртасидаги ўзаро боғланишлар ўрганилди, шулардан 7 таси иммунологик ва 2 таси гематологик кўрсаткичлардир: 1) талокда ядро сақловчи хужайралари сони (ТЯСХС); 2) талокда антитана ҳосил қилувчи хужайра (АХҚХ); 3) 1 млн. талок хужайраларига АХҚХ сони (АХҚХ/1млн.); 4) тимус хужайралари (ТХ); 5) лимфа тугуни хужайралари (ЛТХ); 6) суяк кўмиги хужайраларининг сони (СКХ); 7) периферик қонда ҚЭ га антитаналар титри (АТтитри); 8) периферик қонда қизил қон таначаларининг миқдори (эрит.); 9) периферик қонда оқ қон таначаларининг миқдори (лейк.). Назорат гуруҳида 20 та ўзаро боғланишлиқлик аниқланиб, улардан 8 таси юқори даражада ($r=0,7-1,0$) ва 12 таси ўртача даражада ($r=0,3-0,69$). Қайтар боғланишлар сони 11 та. Хар бир кўрсаткичнинг тажрибада бошқа характеристикалар билан боғланишлар сони қуйидаги натижаларни берди. Қизил қон таначаларининг бошқа кўрсаткичлар ўзаро боғланиши энг кўп қисми ташкил этади, АТ титрининг кўрсаткичи 6 та боғланишга эга. АХҚХ/тал, ТЯСХС сони ва оқ қон таначалар сонининг характеристикаси 5 тадан боғланишга эга. Бошқа кўрсаткичлар билан ТХ сони, СКХ сони ва охириги ўринда ЛТХ сони 3 тадан боғланишга эга. Кипрей дамламасини қабул қилган хайвонларнинг иммунологик ва гематологик кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғланишларни ўрганиш борасида қуйидаги натижалар қўлга киритилди. Жами 26 та ўзаро боғланиш аниқланди, улардан 8 таси юқори ва 18 таси ўртача даражада. Қайтар боғланишлар 17 та.

Назорат гуруҳига нисбатан умумий боғланишлар сони ва қайтар боғланишлар сони 6 тага кўпайди. Бундан ташқари назорат гуруҳ билан солиштирилганда АХҚХ/тал, АХҚХ/1млн. ва оқ қон таначаларининг кўрсаткичлари бошқа кўрсаткичлар билан 7 та боғланишга эга бўлиб, назорат гуруҳида эса бу фақат қизил қон таначаларига таллуқли эди. ЛТХ ўзаро боғланиши ортади, ТХ сонининг ўзаро боғланиши эса 2 баробар ортади.

Шундай қилиб, кипрей дамламаси корреляцион муносабатларнинг умумий сонини ошириш, алоҳида иммунологик кўрсаткичларнинг бошқа кўрсаткичлар билан боғланишини мустахкамлаш қобилиятига эга.

«Филипил» дамламасини қабул қилган сичқонлар гуруҳида, иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгариши ўртасидаги корреляцион муносабатларнинг сони, йўналиши ва кучи ўзгаради. 26 та ўзаро муносабат аниқланди, бу эса назорат гуруҳига нисбатан 6 баробар кўпроқдир. Шулардан 4 таси юқори даражали ва 22 таси қуйи даражали. Қайтар боғланишлар 9 та. Кучли корреляцион боғланишлар қуйидаги жуфтлар ўртасида аниқланган: 1) АХҚХ/тал-АХҚХ/1млн. ($r=0,76$); 2) АХҚХ/тал-лейк. ($r=0,93$); 3) ТЯСХС-лейк. ($r=0,71$); 4) эритр.-лейк. ($r=0,91$). Шунини таъкидлаб ўтиш керакки АХҚХ/тал кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларидан фарқли ўларок, яъни барча ўрганилган иммунологик ва гематологик кўрсаткичлар ўртасида 8 та боғланишга эга.

Ҳар бир кўрсаткични бошқа кўрсаткичлар билан ўзаро боғланишини таҳлил қилиб, назорат гуруҳи билан солиштирилганда маълум фарқлар топилди.

Шундай қилиб ТХ нинг даражаси бошқа кўрсаткичлар билан бирга 6 та ўзаро боғланишга эга, бу эса назорат гуруҳидан 2 марта кўп. Назорат гуруҳи билан солиштирилганда СКХнинг боғланишлар сони 1,7 марта (5 та боғланиш, назорат гуруҳида 3та); ЛТХ нинг боғланишлар сони 3 марта ошади (6 та боғланиш, назорат гуруҳида 2 та боғланиш). Шу билан бирга ТЯСХС кўрсаткич сони назоратда 5 дан 3га камайди.

Шунинг учун, «филипил» дамламаси интакт сичқонлардаги иммунологик ва гематологик корреляцион боғланишлар сонини ошириш ва йўналишини ўзгартириш хусусиятига эга.

Кейинчалик «филипил» экстракти қабул қилган хайвонларда корреляцион муносабатларни ўргандик. Иммуни ва қон айланиш тизимида 21 та боғланиш аниқланди, шулардан 4 таси юқори даражали ва 17 таси ўртача даражада. Қайтар боғланишлар 12 та. Кучли боғланишлар қуйидаги жуфт кўрсаткичлар ўртасида аниқланган: 1) АХҚХ/тал-АХҚХ/1млн. ($r=0,92$); 2) АТ титри -эритр. ($r=0,75$); 3) ТХ-ЛТХ ($r=-0,82$); 4) СКХ-лейк. ($r=-0,79$). Назорат гуруҳи билан солиштирилганда айрим фарқлар мавжуддир. Назорат гуруҳида қуйидаги кўрсаткичлар кучли боғланишларга эга АХҚХ/тал, ТЯСХС, АХҚХ/1млн, қизил қон ва оқ қон таначалари сони. Шу ернинг ўзида кучли муносабатлар қуйидаги кўрсаткичларда ҳам кузатилади АТ титри, ТХ, СКХ ва ЛТХ. Шу билан бирга ЛТХ кўрсаткичлари ва бошқа кўрсаткичларнинг ўзаро боғланиши 2,5 баробар ортади ва мумкин бўлган 8 тадан 7 тасини ташкил этади.

Шунинг учун, «филипил» дамламаси интакт сичқонлардаги иммунологик ва гематологик корреляцион боғланишлар сонини ошириш ва йўналишини ўзгартириш хусусиятига эга.

Кейинчалик «филипил» экстракти қабул қилган хайвонларда корреляцион муносабатларни ўргандик. Иммуни ва қон айланиш тизимида 21 та боғланиш аниқланди, шулардан 4 таси юқори даражали ва 17 таси ўртача даражада. Қайтар боғланишлар 12 та. Кучли боғланишлар қуйидаги жуфт кўрсаткичлар ўртасида аниқланган: 1) АХҚХ/тал-АХҚХ/1млн. ($r=0,92$); 2) АТ титри -эритр. ($r=0,75$); 3) ТХ-ЛТХ ($r=-0,82$); 4) СКХ-лейк. ($r=-0,79$). Назорат гуруҳи билан солиштирилганда айрим фарқлар мавжуддир. Назорат гуруҳида қуйидаги кўрсаткичлар кучли боғланишларга эга АХҚХ/тал, ТЯСХС, АХҚХ/1млн, қизил қон ва оқ қон таначалари сони. Шу ернинг ўзида кучли муносабатлар қуйидаги кўрсаткичларда ҳам кузатилади АТ титри, ТХ, СКХ ва ЛТХ. Шу билан бирга ЛТХ кўрсаткичлари ва бошқа кўрсаткичларнинг ўзаро боғланиши 2,5 баробар ортади ва мумкин бўлган 8 тадан 7 тасини ташкил этади.

Шундай қилиб «филипил» экстракти таъсирида, корреляцион муносабатларнинг умумий сонининг ўзгармаслигига қарамай, иммунитет тизимида алоқаларни қайта тақсимлаш жараёни кузатилади.

«Филипил» дамламаси қабул қилган сичқонларда корреляцион ўзаро боғланиш

Кўрсаткичлар	ТАҲҚҲ	ТЯСҲС	ТАҲҚҲ /1млн	АТ титри	ТҲ	СКҲ	ЛТҲ	эритроцит	лейкоцит
«Филипил»дамламаси									
ТАҲҚҲ	1			Умумий боғланишлар сони – 26					
ТЯСҲС	0,53	1		Кучли боғланишлар сони – 4					
ТАҲҚҲ/1мл	0,76	-0,12	1	Қайтар боғланишлар сони – 9					
АТ титри	0,40	-0,06	0,59	1	0,40	-0,06	0,59	1	0,40
ТҲ	0,51	0,18	0,50	0,44	0,51	0,18	0,50	0,44	0,51
СКҲ	0,56	0,64	0,14	-0,06	0,56	0,64	0,14	-0,06	0,56
ЛТҲ	-0,34	0,06	-0,46	-0,45	-0,34	0,06	-0,46	-0,45	-0,34
Эритроцит	-0,37	-0,13	-0,37	-0,56	-0,37	-0,13	-0,37	-0,56	-0,37
Лейкоцит	0,93	0,71	0,57	0,38	0,93	0,71	0,57	0,38	0,93
n боғланиш	8	3	6	6	8	3	6	6	8

Агар назоратдаги иммун тизимнинг функционал кўрсаткичлари аксарият боғланишлар боғланишлиқ бўлса (АХҚХ/тал, АХҚХ/1млн., АТ титри), «филипил» экстракти юборилгандан сўнг иммун тизимнинг миқдорий характеристик кўрсаткичлари ортади. (КТ, ККМ сони ва КЛҮ).

«Трибулипил» экстрактини қабул қилган сичқонларда ўзаро 20 та боғланиш аниқланиб, улардан 8 таси юқори даражали ва 12 таси –ўртача даражали. Қайтар боғланишлар 11 та. Шу билан бирга, корреляцион муносабатлар деярли назорат гуруҳидаги муносабатларга мос келади. Бошқача қилиб айтганда «трибулипил» экстракти иммунитет ва қон айланиш тизимларидаги ўзаро муносабатларга сезиларлаи таъсир кўрсатмайди.

Юқорида иммунологик тадқиқотлар асосида олинган натижаларнинг математик (корреляцион) таҳлили шуни кўрсатадики «трибулипил» ва «филипил» экстрактлари энг юқори иммуностимулятор фаолликка эга экан.

Умуман олганда кипрей ва «филипил» дамламалари, «филипил» ва «трибулипил» экстрактлари интакт сичқонларда иммунологик раективликни 2,31-3,43 мартагача ошириши аниқланди. Ўрганилган доривор ўсимликлар марказий (тимус, суяк кўмиги) ва периферик (лимфа тугунлари, талок) иммунитет аъзоларида хужайралар сонини кўпайтиради; қондаги эритроцитлар (1,11-1,22 марта) ва лейкоцитлар (1,10-1,21 марта) кўпайишига ёрдам беради. «Филипил» дамламаси интакт сичқонларда иммунологик ва гематологик кўрсаткичлар орасидаги ўзаро корреляцион боғланишлар сонини ва йўналишини ўзгартириш хусусиятига эга. Олинган натижалар ўрганилганда, ўсимлик дамламалари ва экстрактларининг физиологик нормал шароитда иммун тизим ва қон ҳосил қилиш тизимини стимуллаш хусусияти мавжудлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Иккиламчи иммунтанқислик ҳолатларида иммуногенез ва корреляцион ўзаро боғлиқликга ўсимликлар йиғмаси ва экстрактларининг таъсири”** деб номланган тўртинчи бобда ўсимликлар моддасини иммуномодуловчи хусусиятини иккиламчи иммунтанқислик ҳолатининг бешта моделида тадқиқ қилишга бағишланган: нурланиш касаллиги (НК), гемолитик камқонлик (ГК), ўткир токсик гепатит (ЎТГ), имураниндуцирланган иммунодефецит (ИИ) ва иммоблизацион стресс (ИС).

Таҷрибада қуйидаги дамба ва экстрактлар ўрганилди: «филипил» дамламаси 15 мл/кг дозада (1:10), *Chamacnerium angustifolium L.*, *Tribulus terrestris L.*, *Achillea filipendulina*, *Calendula officinalis L.* 25:25:25:10 гр. Нисбатда олинди; «трибулипил» дамламаси 15 мл/кг дозада (1:10), таркибида *Calendula officinalis L.* ва *Tribulus terrestris L.* бор (1:1 нисбатда); қиёсий препарат сифатида *Chamacnerium angustifolium L.* (1:10) 15 мл/кг дозада; «филипил» экстракти 50 мг/кг дозада ва «трибулипил» экстракти 50 мг/кг дозада.

Нурланиш касаллиги билан зарарланиши натижасида ҳайвонларда чуқур ривожланган иккиламчи иммунтанқислик шаклланади, соғлом ҳайвонлар билан солиштирганда талокдаги АХҚХ сони 6,86 мартага камаяди. Ўрганилган учта ўсимлик дори воситаларининг ичида «филипил» дамламаси

энг юқори фаолликка эга: иммунтанқислиги бор сичқонлар талоғидаги АХҚХ сонини мос равишда 3,02 мартага оширади. «Трибулипил» экстракти талоқдаги АХҚХ сонини 2,60 мартага, «филипил» экстракти эса 1,90 мартага оширади. Олинган натижалар ўрганилган ўсимликлардан олинган воситалар нурланиш касаллиги натижасида ривожлаган иккиламчи иммунтанқисликни корригирлашидан далолат беради.

Гемолитик камқонлик ривожланиш жараёнида яққол риожланган иккиламчи иммунтанқислик юзага келади: сичқонлар талоғидаги умумий АХҚХ сони бу гуруҳда 3,40 мартага камаяди. Ўрганилаётган ўсимликлар дамламалари таъсирида камқонлик ривожланган сичқонларнинг иммунологик реактивлигини ошиши кузатилади. Ўрганилган учта ўсимлик дори воситаларининг ичида «трибулипил» ва «филипил» дамламалари энг юқори фаолликка эга: талоқдаги АХҚХ сони мос равишда 2,80 ва 2,60 мартага ошади. Кипрей дамламаси камқонлик билан зарарланган сичқонлардаги иммуногенезни 2,51 мартага оширади.

Жигар касаллиги ривожланишида чуқур иккиламчи иммунтанқислик шаклланади: сичқонлар талоғидаги умумий АХҚХ сони бу гуруҳда 4,48 мартага камаяди. ЎТГ билан зараланган сичқонлар талоғидаги АХҚХ сонини ишончли оширади.

Ўрганилган учта ўсимлик дори воситаларининг ичида «трибулипил» ва «филипил» дамламалари энг юқори фаолликка эга: талоқдаги АХҚХ сони мос равишда 3,0 ва 2,62 мартага ошади. Кипрей дамламаси ЎТГ билан зарарланган сичқонлардаги иммуногенезни 2,23 мартага оширади.

Иммунодепрессант имуран қабул қилган хайвонлар талоғида АХҚХ сони 4,33 мартага камаяди. Иммунтанқисликка учраган сичқонларда АХҚХ сони 3,10 мартага ошади. Иммунтанқисликка учраган «филипил» ва «трибулипил» экстрактларини қабул қилаётган гуруҳдаги сичқонларда ҚЭ га нисбатан иммун жавоб 1,80 ва 2,50 мартага ошганлиги кузатилган. Ўрганилган экстрактлар орасида «филипил» дамламасининг стимулловчи фаоллиги ишонарли даражада юқори, «трибулипил» экстрактининг стимулловчи фаолияти «филипил» экстракти таъсиридан анча юқори. Шу сабабли, ўрганилган ўсимлик воситаларининг учаласи хам, имуран иммунодепрессантини билан даволанган хайвонларда депрессиядан кейинги иммунологик реактивликни тиклаш қобилиятига эга.

Ўрганилган ўсимлик воситалариларининг иммобилланган стрессли хайвонларни ҚЭ нисбатан иммун жавобини тадқиқ қилганимизда шуни кўрсатдики, 6 соатлик ҳаракатсизлик натижасида чуқур иккиламчи иммунтанқислик ҳолати ривожланади.

Шундай қилиб талоқдаги АХҚХ нинг умумий сони назорат гуруҳига нисбатан 5,30 мартага камайган. Иммунтанқисликка учраган «филипил» дамламасини қабул қилган сичқонларда талоқдаги АХҚХ сони 3,16 мартага кўтарилган. Худди шу модданинг экстракти организмнинг иммунологик реакциясига бир неча марта камроқ стимулловчи эффект кўрсатади: АХҚХ сони 1,92 мартага ошади. «Филипил» дамламасининг стимулятор фаоллиги

«филипил» экстрактининг фаоллигидан ишонарли даражада юқори. «Трибулипил» экстракти иммобилланган хайвонларда ЭБ га нисбатан иммун жавобни 2,37 марта кўпайтиради. Иккиламчи иммун танқислиги бўлган ва интакт сичқонларда ўтказилган қиёсий тажрибалар шуни кўрсатдики, «филипил» дамламаси ва «филипил» ва «трибулипил» экстрактлари *in vitro* тизимда сичқонлар талоғида АХҚХ сонини ошириш хусусиятига эга.

Умуман олганда, шундай хулоса қилиш мумкин, иккиламчи иммун танқислиги ҳолатларининг бешта модели бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «филипил» ва «трибулипил» дамба ва экстрактлари иммун тизимдаги бузилишларни қайта тиклайди, гематологик (эритроцитлар ва лейкоцитлар сони) кўрсаткичларни нормаллаштиради.

Нормал ҳолатда ва иккиламчи иммунтанқислик ҳолатида ўсимлик воситалариларининг бевосита иммунокомпитент хужайралар билан боғланиши антителогенезни кучайтириши *in vitro* тизимида ўрганилди. Соғлом ва иммунтанқислиги бор сичқонлар иммунологик ва гематологик кўрсаткичларини корреляцион ўзаро боғланиши сони ва кучини кўчайтиради.

Нурланиш касаллиги бор сичқонлар иммунологик ва гематологик кўрсаткичларини корреляцион таҳлил шуни кўрсатдики, «филипил» экстракти ва дамламаси, шунингдек «трибулипил» экстракти ўзаро боғланиши сони ва кучини кўчайтиради, шунингдек унинг йўналишини ўзгартиради.

Нурланиш касаллиги бор сичқонлар иммун статуси миқдорий кўрсаткичи ва функционал ҳолати ўрганилди, буни юқоридаги математик таҳлиллар тасдиқлайди.

Кипрей, «трибулипил» ва «филипил» дамламаси таъсирида гемолитик анемия билан касалланган сичқонларда иммунологик ва гематологик кўрсаткичлар орасидаги ўзаро корреляцион боғланишлиқлик тасвири тикланади. Фаоллиги жихатдан ҳамма дамламалар бир бирига яқин.

Ўтказилган корреляцион таҳлил иммунологик ва гематологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғланиш шуни кўрсатдики, ўрганилган учта ўсимлик дори воситалари ЎТГ ҳолатида қон яратиш ва иммун тизими ўзаро боғланишига ижобий самара кўрсатади.

«Филипил» дамламаси кипрей ва «трибулипил» дамламасига қараганда кўпроқ фаолликка эга.

«Филипил» дамламаси, «филипил» ва «трибулипил» экстрактлари имуран қабул қилган сичқонларда иммунологик ва гематологик кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғланишлар табиатини ўзгартириш хусусиятига эга. «Трибулипил» экстракти таъсирида иммобилланаган сичқонларда иммунологик ва гематологик кўрсаткичлар ўртасидаги кучли боғланишлар сони бундан ташқари умумий корреляцион боғланишлар сони ортади. Нормал ҳолатдаги ва ВИД турли этиологияли сичқонларда олиб борилган тажрибалар асосида, яллиғланишга қарши кипрей, «филипил» ва «трибулипил» ўсимлик дамламалари, бундан ташқари «филипил» ва «трибулипил» экстрактлари иммуномодулятор таъсирга эга деган хулосага келиш мумкин.

Изланишлар натижасида шундай хулосага келдик: яллиғланишга қарши «филипил» ва «трибулипил» экстрактлари ва дамламалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармакология қўмитасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, клиник текширувларда турли патологик ҳолатларда иммуномодулятор препарат сифатида тавсия этиш мумкин.

ХУЛОСА

1. Кипрей ва «филипил» дамламаси, «филипил» ва «трибулипил» экстрактлари интакт сичқонларда иммунологик реактивликни, тимусда, суяк илигида, лимфа тугунларда хужайралар сони, қонда қизил ва оқ қон таначалар 2,31-3,43 марта ($p < 0,05$) ортади.

2. Нурланиш касаллигида «филипил» дамламаси, «филипил» ва «трибулипил» экстрактлари талоқда антитана хосил қилувчи хужайралар, бундан ташқари марказий (тимус, суяк илиги) ва периферик (лимфа тугунлар, талоқ) иммунитет аъзоларидаги хужайралар миқдорини сезиларли оширади.

3. Гемолитик анемияда кипрей, «трибулипил» ва «филипил» дамламалари қизил қон ва оқ қон таначалари, иммунитет аъзоларида хужайралар сонининг ошиши, антиген стимуляторига нисбатан иммунологик реактивликни оширишга ёрдам беради.

4. Ўткир токсик гепатитда, имураниндуцирланган иммун танқисликда ва иммобилланган стресс ҳолатида лимфа тугунларда, суяк илигида, талоқда, тимусда кипрей дамламаси, «трибулипил» ва «филипил» иммун жавобни ва қўйнинг қизил қон таначаларига антитана титрини сезиларли даражада оширади.

5. Физиологик меъёрлар ва иккиламчи иммун танқислик ҳолатида хайвонларда *in vitro* тизимда яллиғланишга қарши «филипил» ва «трибулипил» дамба ва экстрактлари иммуномодулятор фаоллигини яққол намоён этиш қобилиятига эга.

6. Нормал ҳолатдаги сичқонлар ва иккиламчи иммун танқисликдаги хайвонларда «филипил» ва «трибулипил» экстрактлари ва настойлари иммунологик ва гематологик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро корреляцион сон ва кучни оширади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ИММУНОЛОГИИ И
ГЕНОМИКИ ЧЕЛОВЕКА**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ДЖУМАНИЯЗОВА НАСИБА САТИМБАЕВНА

**ИЗУЧЕНИЕ ИММУНОМОДУЛИРУЮЩИХ СВОЙСТВ НОВЫХ
ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ РАСТИТЕЛЬНЫХ СБОРОВ ПРИ
ВТОРИЧНЫХ ИММУНОДЕФИЦИТАХ В ЭКСПЕРИМЕНТЕ**

14.00.36 - Аллергология и иммунология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Tib710

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.immunology.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet”(www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Разикова Илмира Садуллаевна доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Суяров Акрам Амруллаевич доктор медицинских наук Ахмедова Халида Юлдашевна доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Ташкентский педиатрический медицинский институт

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2020 г. в «_____» час. на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 при Институте иммунологии и геномики человека (Адрес:100060, г.Ташкент, ул. Я Гулямов, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Институте иммунологии и геномики человека (зарегистрирована за №____), (Адрес:100060, г.Ташкент, ул. Я Гулямов, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2020 год.

(Протокол рассылки № _____ от _____ 2020 года).

Т.У. Арипова

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

З.С. Камалов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

У.А. Набиева

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы препараты, полученные из растительного сырья, широко используются для лечения вторичного иммунодефицита. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «... использование новых лекарств из растительного сырья для лечения населения в развитых странах составляет 50%, в то время как в других странах этот показатель составляет 35-40%. Особое внимание уделяется тем препаратам, которые обладают иммуномодулирующим эффектом»¹. В связи с этим медицинские организации во многих странах мира уделяют большое внимание производству биологически активных противовоспалительных препаратов, получаемых из нового растительного сырья. В связи с этим требуется разработка противовоспалительных и иммуномодулирующих препаратов, особенно тех, которые влияют на деятельность иммунной системы.

Во всем мире увеличивается выпуск препаратов из растительного сырья, на основе биологически активных веществ. Растет интерес к определению влияния новых иммуномодулирующих препаратов на иммунопатологические процессы. Определить механизм действия биологически активных веществ на органы экспериментального животного, клеточные и внутриклеточные уровни; определить механизм действия иммуномодулирующих, противовоспалительных препаратов, полученных на основе добавления активных веществ, выделенных из различных растений (*Chamaenerium angustifolium* L., *Tribulus terrestris* L., *Achillea filipendulina*, *Calendula officinalis* L.); Применение препаратов из растений, выращенных в местных условиях, остается приоритетным направлением исследований.

Особое внимание уделяется совершенствованию системы социальной защиты и здравоохранения населения, в том числе выявлению и реализации иммуотропной активности новых растительных и синтетических средств, полученных на основе местного сырья. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы включает в себя «... меры по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, улучшению поставок дешевых и качественных лекарств, медикаментов населению и медицинским учреждениям, способствовать предотвращению неоправданного роста цен на лекарства»². Поэтому выделение иммуномодулирующих активных веществ из иммуномодулирующих растений и разработка их применения в случаях вторичного иммунодефицита является одной из наиболее актуальных проблем, стоящих перед специалистами в данной области.

Указы Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» и УП-5707 от 10 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему ускорению развития

¹World Health Organization, 2010

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони..

фармацевтической промышленности в 2019-2021 годах», ПП-2647 от 31 октября 2016 года «О мерах по дальнейшему улучшению поставок лекарственных средств и предметов медицинского назначения» и ПП-4554 от 30 декабря 2019 года «О дополнительных мерах по углублению реформы фармацевтической промышленности Республики Узбекистан». Это диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, изложенных в и других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направления развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

